Ким таҳорат олса ва таҳоратни мукаммал қилса, жасадидан хатолари чиқади, токи уларнинг охири тирноқлари остидан чиқиб кетади», дедилар

Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким таҳорат олса ва таҳоратни мукаммал қилса, жасадидан хатолари чиқади, токи уларнинг охири тирноқлари остидан чиқиб кетади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким таҳоратни суннат ва одобларига риоя қилиб олса, таҳорат ёмонликлар ва хатолари ўчирилишига, ҳаттоки қўли ва оёқларининг тирноқлари орасидаги гуноҳлари ҳам ювилишига сабаб бўлишини хабар бердилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/6263